

10.2.1. Дастурий таъминотдаги хатоликни жойига чиққан ҳолда бартараф этиш;

10.2.2. Буюртмачи вакилининг саволларига масъул маъмур томонидан жавоб бериш.

10.3. Консультация Ижрочи томонидан ўзбек ва рус тилларида телефон ёки электрон почта манзили орқали, техник қўллаб-қувватлаш эса жойига чиққан ҳолда амалга оширилади. Консультация ва техник қўллаб-қувватлаш алоқа линияси иш кунларида (амалдаги қонунчилик талаблари асосида) Тошкент вақти билан соат 9:00 - 18:00 давомида амалаг оширилади. Иш кунидан сўнг келиб тушган сўров кейинги иш кунидан соат 9:00 келиб тушган ҳисобланади.

10.4. Сўровларни кўриб чиқиш муддатлари:

Хатолик тури	Хатолик юзасидан ишлар бошлангани тўғрисида хабар бериш (иш соати ва иш куни)	Хатолик бартараф этилиши (иш куни ва соати)
авария	4 соат	1 иш куни
муаммо	1 иш куни	3 иш куни
носозлик	1 иш куни	иш тартибида

10.5. Хатоликни бартараф этиш Ижрочи Буюртмачини шу ҳақда ва амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида огоҳлантириши ва шу масалада барча амалий ёрдам кўрсатиши керак.

10.6. Мазкур Шартнома муддати яқунлангач тарафлар алоҳида ёзма келишув асосида мазкур муносабатларни давом эттиришлари мумкин.

## 11. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ-ЧИҚИШ ТАРТИБИ

11.1. Мазкур Шартнома бўйича юзага келган низолар музокаралар орқали ҳал этилади, ўзаро келишувга келиш имкони бўлмаганида Тошкент туманлараро иқтисодий судида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

## 12. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

12.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

12.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

12.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қимматликлар олинishiга йул қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

12.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.